

А. АСҚАРОВ  
БУХОРОНИНГ  
ИБТИДОИИ  
ДАВР  
ТАРИХИДАН  
ЛАВҲАЛАР

“ФАН”

А. АСКАРОВ

БУХОРОНИНГ  
ИБТИДОЙ ДАВР  
ГАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

УЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЕТИ  
Тошкент—1973

Ушбу китобчада қадимий Бухоро воҳасини ўрганиш юзасидан олиб борилган археологик илмий-тадқиқот ишларининг баъзи бир натижалари ҳақида ҳикоя қилинади.  
Брошюра кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

9(C52)

A 83

Асқаров А.

Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Т., «Фан», 1973.

Асқаров А. Очерки из истории древней Бухары.

9(C5

A  $\frac{0162-073}{355(06)-73}$  146-73

археологик илмий-тадқиқот ишлари воҳада моддий-маданият ёдгорликларининг турли даврларга оид барча турлари мавжуд эканлигини яна бир бор исботлади.

Ана шу ёдгорликларнинг айримларида ўтказилган археологик тадқиқот ишларининг баъзи бир натижалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

#### Учтут устахонасида неолит шахтаси

Қадимий Самарқанддан унга тенгдош Бухоро томон сафарга отланар эканмиз, Қармана воҳасида яқиндагина бунёд этилган замонамизнинг индустриал шаҳри — Навоий кишини ўзига мафтун этади. Воҳанинг бу шаҳри бир томондан, ўзининг жозибадор архитектураси билан кишини мамнун этса, иккинчи томондан, Қармана воҳаси ўтмиш тарих саҳифаларининг энг қадимийлиги билан Бухоро областида алоҳида ўрин тутди.

Қармана воҳасини шимол томондан чегаралаган Қоратоғ тизмалари 1958 йилда бир группа ўзбек археологларининг диққатини ўзига жалб этди. Бухоро воҳасини ўраб олган «Қанпирак» деворини текширишда Ҳалилулло Муҳамедов Вауш тоғининг жанубий ён бағриларида археологик қидирув ишлари ўтказар экан Учтут қишлоғи яқинидан бир неча тош қуроллар топиб, уларни Бухоро области территориясидаги ибтидоий одамларнинг энг қадимги меҳнат қуроллари эканлиги ҳақида илмий жамоатчиликка хабар қилди.

Дарҳақиқат, шу хабар туфайли кейинги йилларда Учтутда кенг археологик илмий-тадқиқот ишларини кучайтиришга тўғри келди.

1959 йили академик А. П. Окладников бир группа ўзбек археологлари билан биргаликда Учтутда дастлабки текшириш ишлари ўтказди. Учтут ёдгорлиги палеолит даврининг мустъе босқичига доир ибтидоий одамлар томонидан меҳнат қуроллари ясайдиган тош устахонаси эканлигини аниқлади. Шу йили Учтут яқинидаги Ижонд қишлоғидан ҳам қадимги тош даврига оид бошқа бир устахона топилди. Учтут ва Ижонд тош устахоналарида олиб борилган археологик қазималарнинг натижаларига кўра (кейинги йиллардаги барча тадқиқот ишлари археолог М. Р. Қосимов ва Т. М. Мирсоатовлар раҳбарлигида ўтказилган), улар биргина қадимги тош даври-

нинг мустье босқичига оид бўлмай, балки меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш учун хом ашё манбаи сифатида юқори палеолит, мезолит ва неолит даврларида ҳам фойдаланилганлиги исботланди. Чунки Вауш тоғининг жанубий ён бағридаги қоянинг юқори қисмида 10—15 см қалинликда жуда узоқ масофага чўзилган чақмоқтош қатлами бўлиб, у ибтидоий аجدодларимизни жуда қадимдан эътиборини ўзига жалб қилиб келган (1-шакл).


Муҳими шундаки, биргина Ўзбекистонда эмас, балки бутун Урта Осиёда биринчи бўлиб Учтутликлар янги тош даврида (милоддан аввалги V—IV минг йилликда) юзага чиқиб ётган чақмоқтош қояси бўлишига қарамай, меҳнат қуроллари ясаш учун хом ашё қидириб, бир неча метр чуқурликда шахта қазиганлар, қалин соз тупроқ остидаги чақмоқтош қояси — она жинсидан хом ашё синдириб олганлар. Тошни ишлашда, меҳнат қуроллари ясашда бир неча ўн минг асрий тажрибага эга бўлган ибтидоий одамлар тошнинг барча нозик хусусиятларини яхши билар ва тош билан муомала қилишда ўз даврининг моҳир усталари эди.

Археологик эксперимент тажрибаларининг кўрсатишича, ер остида нам тортиб ётган чақмоқтошдан истаган қуролни хоҳлаган шаклда ясаш мумкин эди. Чунки юзада ётган тошга нисбатан ер остида асрий мангуликда нам тортиб ётган тошлардан қурол ясаш анча осон ва унумли эди.

Учтут устахонаси территориясида ана шундай шахталардан 100 дан ортиғи аниқланди. Кейинги йилларда Учтут шахталаридан 26 тасида археологик қазилмалар ўтказилди. Шахталарнинг шакли воронка ёки овал тартиқасида бўлиб, уларнинг устки қисми кенг, чуқурлашган сари бироз тораяди, сўнг яна кенгайиб кетади. Қазилма ишлари қояга бориб етгач, кончилар йирик ва қўпол тош асбоблар ёрдамида чақмоқтошни синдириб олганлар. Хом ашё қазилма майдончаларини кенгайтириш мақсадида шахталар ён томонларига қазиб кетилган, баъзида шу тор йўлакчалар—штреклар орқали икки-уч шахта остки қисмидан бир-бирлари билан бирлаштирилган. Шахталарни қазилма вақтида уларнинг деворида сақланиб қолган қурол изларини ўрганиш туфайли шахталар қандай қуроллар ёрдамида қазилганлиги аниқланди. Кузатиш натижаларига кўра, қоя жинс қатламини қоплаб олган тупроқ қатламида ҳайвон шохлари, буғунинг

курак суяги ва ёғоч қуролларнинг излари ва шахталар ичидан эса учи ишқаланавериб ойнадай силлиқланиб кетган ҳайвон шохлари топилди.

Шахта деворларидаги изларни текшириб кўриш ва ибтидоий кончиларнинг меҳнат унумдорлигини ўрганиш мақсадида бир неча хил қуроллар ёрдамида тажриба ишлари олиб борилди, яъни буғу шохлари, йирик ҳай-



1-шакл.

вонларнинг курак суяги, ёғоч ва тошдан ибтидоий услубда тайёрланган меҳнат қуроллари ёрдамида янги шахталар қазиб кўрилди. Тажрибалар археологик кузатиш натижаларининг тўғри эканлигини исботлади, яъни тажриба вақтида шахта қазиб учун тош қуроллари ёрдами билан ибтидоий услубда ўтказилган тажриба ёғоч ва шох қуролларига нисбатан ноқулай ва эффектсиз экан. Демак, ибтидоий одамлар шахта қазибда ёғоч ва

шоҳ қурооллардан, шахта остидаги она жинс қоядан чақмоқтошни кўчириб олишда эса тош қурооллардан фойдаланганлар.

### Зангори осмон остидаги очиқ музей


Учтутдан Қоратоғ тизмалари оралаб шимоли-шарққа томон йўл олар эканмиз, Сармишсой дарасининг ҳар икки бетида кўкка қад кўтарган суратли азамат қояларга дуч келамиз. Қоя тошларга битилган бу суратлар узоқ ўтмишдаги ота-боболаримизнинг нафис тасвирий санъатидан, кундалик ҳаётининг фаолиятларидан ҳикоя қилувчи нодир асарлардир. Улар бир неча минг йиллар давомида қуёш нури таъсири остида қорайиб кетган бўлса-да, номаълум рассомларнинг ўткир зеҳн билан қояларнинг силлиқ сиртига моҳирона ўйиб ишлаган бу жозибадор санъат обидалари узоқ ўтмишнинг «зангори осмон остидаги очиқ музейи» сифатида мангу яшаб келмоқда (1-расм).

Сармишсой қоя суратларини илмий ўрганиш иши Учтут ва Ижонд ёдгорликлари билан бир вақтда бошланди. Ўзбекистонда қоя тўш суратларини ўрганишга бел боғлаган археолог Абдужаббор Кабириковнинг ёзишича, Сармишсой қоя тош суратлари асосан чорвадор қабилаларнинг ижодий маҳсули бўлиб, бу ерда бронза, илк темир ва қулдорлик даври рассомларининг меҳнати ўз ифодасини топган ва улар ўз даврининг хўжалик ҳаёти, идеологияси ва маданий дунёси ҳақида ҳикоя қилганлар.

Сармишсой дарасидаги қоя тошларга туширилган суратлар мазмунан шунчалар ранг-баранг, шунчалар бойки, узоқ ўтмишдан қолган бу ноёб ёдгорлик ўзбек халқининг маданий мероси хазинасидан ёрқин намунадир.

Сармишсой манзарасида «рақсга тушаётган одамларнинг, камондан ўқ бўшатаётган мерганнинг, отда чопиб кетаётган чавандознинг, бир-бири билан урушаётган ҳайвонларнинг, олис йўлга отланган туя карвонларининг, узун шоҳлари тарвақайлаб кетган ибтидоий буқа ва буғуларнинг осойишта турган, шунингдек, елиб бораётган тоғ такаси, оҳу, тўнғиз, ит, бўри, қоплон ва бошқа ҳайвонларнинг тасвири бор»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> А. Кабириков, Ибтидоий давр беҳзодлари, «Фан ва турмуш» журнали, Тошкент, 1970, 1-сон, 9-бет.



1-расм. Сармишсой дарасидаги қоя тошга ўйиб ишланган ҳайвонлар сурати.

Қоялардаги суратларнинг мазмунига диққат қилинса, киши кўз ўнгида узоқ ўтмишнинг ҳар хил даврларида яшаган аجدодларимизнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳодисалар намоён бўлади.

Мана қояларнинг бирида камондан ўқ узаётган мерган тасвирланган. Уқ-ёй ўз даврида инсоният ҳаётидаги тенги йўқ ихтиролардан бири бўлиб, Ф. Энгельс таъбири билан айтганда, ибтидоий даврнинг энг зўр кашфиётларидан эди.

Сармишсойнинг чап қирғоғидаги қоялардан бирида катта вазндаги ибтидоий буқанинг тасвири сақланган. Унинг олдинга туртиб чиқиб юқорига кўтарилган узун шохлари шунчалар аниқ ишланганки, номаълум рассомнинг ажойиб санъатига қойил қоласан киши. Қоянинг пастки қисмида ов манзараси тасвирланган. Бунда ён бошига ўқдон тақиб кўлида камон ушлаган овчининг сонига ўқ теккан така томон югуриб кетаётгани ифода этилган. Така эса яраланган бўлишига қарамай қочиб бормоқда. Яна бир расмда овчиларнинг кўплашиб ёввойи ҳайвонларни тутаётганликлари тасвирланган. Бу ерда овчи тарғил буқанинг олд томонида туриб камондан ўқ узмоқда. Овчилардан яна бири ёввойи тўнғизни уриб йиқитган. Овда овчилар билан бир қаторда овчи итлар тасвири ҳам бор.

Сармишсой дарасининг бу ажойиб очик музейи Қоратўғнинг бошқа сойларида ҳам кўплаб учрайди.

#### Қуйи Зарафшондаги ибтидоий овчилар макони

Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий чегара районлари бир вақтлари Зарафшоннинг тошқин сувлари туфайли аввал бепоён денгизга айланган, сўнг замонанинг зайли билан тошқин сувлар оқими қисқаргач кенг, сатҳи текис тақир майдонлар ва улар оралаб Зарафшоннинг ҳавза ирмоқлари Амударёгача бориб етган. Бу ирмоқлар йўл-йўлакай бир неча кўллар ҳосил этган.

Тош асрининг неолит (янги тош) даври деб аталмиш босқичида бу бепоён тақирларда ибтидоий бобокалонларимиз маконлар қуриб, кўл ва сой бўйларида овчилик билан, кейинроқ пастқам, зах ерларда деҳқончилик, кўкаламзорларда эса чорвачилик қилганлар. Тошдан ясалган ибтидоий меҳнат қуроллари билан қурулланган она уруғи даврининг овчилари ана шу кўл бўйлари ва сой

ёқаларида макон топганлар. Ҳозир бу районлар ўзининг тош давридаги манзарасини мутлақо йўқотган. Зарафшоннинг тезоқар жўшқин суви ўзининг эски ўзани орқали Амуга аллақачонлар қуймай қўйган. Қадимги Зарафшон тошқини тўфайли ҳосил бўлган ва денгиздек кенг майдонга ёйилган, ҳозирда эса Моханкўл, Замонбобо кўли, Кичик Туз кон, Катта Туз кон, Чуқур кўл, Парсанг кўл, Луқли кўл ва Қоронғи шўр деб номланган ибтидоий «сув омборлари»ни қум тепалари босиб, улар кенг шўрхок, пастқам жойларга айланган. Эндиликда, онда-сонда эски ўзанлар бўйлаб, бу ердан қачонлардир сув оққанидан далолат берувчи қамиш — қўға ва йилғинларнигина учратиш мумкин.

Ҳа, мана шу сувсиз дарё ўзанларию, кенг тақир майдонлари ва Қизилқумнинг қум тепалари археолог эътиборини ўзига тортди, чунки бу жойлар бир замонлари ибтидоий аждодларимизнинг ҳаёт кечириши учун бирдан-бир қулай районлар бўлган эди.

1950 йили Я. Ғ. Фуломов бошчилигидаги археологлар группаси бу жойларга Бухоронинг Қоракўл райони орқали ташриф буюрдилар. Отряднинг биринчи тўхташ жойи Зарафшоннинг Гурдуш ирмоғи йўлида ҳосил бўлган Замонбобо кўлининг соҳили бўлди. Отряд раҳбари кўлнинг шимолий соҳилида тақир устида ўлтирган ҳолда беихтиёр тақирни титкилар экан, унинг ичидан чақмоқтошдан ишланган дафна дарахтининг барги шаклидаги камоннинг ўқини топиб олади, натижада бу тош пайкон Замонбобо номи билан абадиётларга киритилган жез даври қабристонини очишга туртки бўлади. Унга қадар бу районда бир неча бор археолог-тадқиқотчилар бўлсада, уларни қизиқтирган ёдгорликлар синфий жамиятлар даври тарихига оид эди. Тўғри, 1946 йили А. И. Тереножкин томонидан Бухоро воҳасининг шимолий чегара районидаги Лукча қудуқ яқинида бир неча митти тош қуроллари топилган. В. А. Шишкин ҳам Варахша яқинидаги Лайлакхўр тепалигида анчагина тош қуроллари териб олган эди. Аммо бу фавқулодда топилмалар Зарафшоннинг қуйи оқими ҳавзасида яшаган янги тош даврининг ибтидоий овчилари ҳақида тўлиқ тасаввур беролмас эди. Шунинг учун ҳам 1950 йилда Қуйи Зарафшонга уюштирилган археологик-қидирув отряди Бухоронинг ибтидоий жамият тарихини ўрганиш масаласида бурилиш ясади.

1950 йилда Зарафшоннинг қуйи оқими районларини ўрганиш учун бошланган археологик қидирув ишлари ҳозиргача давом этмоқда. Ўтган ўн йилликлар давомида Қуйи Зарафшонда ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичларига оид юзлаб манзилгоҳлар ва бир неча қабристонлар топиб ўрганилди. Шулардан энг қадимийси калтаминорлар маданияти<sup>2</sup> номи билан аталган янги тош даври қабилаларининг маконлари эди.

1950 йиллар давомида Мохондарё отряди томонидан олиб борилган қидирув вақтида Қуйи Зарафшоннинг ирмоқлари — Мохандарё, Гурдуш соҳиллари ва Катта Туз кон районидан кўпгина тош қурооллар териб олинган эди. Булар шу районларда ибтидоий неолит даври маконлари борлигидан гувоҳлик берди.

Буларни системали ўрганиш ва уларни аниқлаштириш иши археолог У. Исломовга юклатилди. Ниҳоят, Қуйи Зарафшоннинг бронза даври ёдгорликларини ўрганиш ишига бел боғлаган ушбу сатрларнинг муаллифи У. Исломов билан биргаликда 1959—66 йиллар давомида шу районда кенг тадқиқот ишлари олиб борди. Кичик Туз кон районидан 3 пунктда, Катта Туз коннинг 36 жойида янги тош даврига оид манзилгоҳлар топиб ўрганилди. Неолит даври ёдгорликлари Қуйи Зарафшоннинг Мохандарё, Каптарни қуми, Эчки Қирон, Қоронғи шўр, Пайкент, Қумсултон каби пунктларида ҳам топиб ўрганилди. Аммо очилган ёдгорликларнинг деярли ҳаммасининг маданий қатлами шамол ва ёмғир таъсирида, сув тошқинлари вақтида бузилиб кетган, хилма-хил тош қурооллар, суякдан ишланган ашёлар, жимжимадор қилиб сиртига нақш берилган сопол идиш синиқлари тақир ва қум юзасида сочилиб ётар эди.

Синчиклаб ўтказилган қидирув натижасида топилган 40 дан ортиқ неолит маконларидан атиги иккитасида маданий қатлам бузилиб улгурмаган. Улар макон Дарбоза қир-I<sup>3</sup> ва макон Дарбоза қир-II эди.

<sup>2</sup> Қалтаминорлар маданиятига доир дастлабки ёдгорликлар қадимги Хоразмнинг Қалтаминор қалъаси яқинида топилгани учун шу номни олган. Қалтаминор қабилалари Қуйи Зарафшон ерларига ҳам тарқалган.

<sup>3</sup> Икки қир оралиғидаги тор йўлак, яъни Катта Туз кон кўлидан шимолий ғарбга чиқиш жойида узундан-узун девор шаклида ётган қир бор. Шу қирни кесиб ўтган тор йўлак бўлиб, у орқали кўл территориясидан чиқиб кетилади. Бу жой маҳаллий аҳоли томонидан «Дарбоза қир» деб юритилган.

Мақон Дарбоза қир-1 Катта Туз коннинг шимоли-ғарбий қисмига жойлашган. 1961 йил кузида ўтказилган қазишма вақтида мақонда 3 та маданий қатлам борлиги аниқланди. Ҳар бир маданий қатлам ҳеч қандай материалсиз тақир қатлам билан ажралиб турар эди. Қазишмалар вақтида ўтказилган кузатишлар шуни кўрсатдики, Дарбоза қир-1 макони тўрт марта сув тошқини туфайли ибтидоий овчилар томонидан ташлаб кетилган, тошқин пасайгач, мақон эгалари яна ўз ўрнига қайтганлар. Шунинг учун маданий қатлам тақир қатлами билан тез-тез ўрин алмашиб турган.


Мақон майдонида олиб борилган қазишмалар вақтида тўғри бурчакли тўртбурчак шаклидаги бир чайла ўрни топилди. Чайланинг чегарасини аниқлашда тақир юзасидан топилган чуқурчалар асос бўлди. Бу чуқурчалар енгил каркасли қатор тик ёғоч устунларни ўрнатиш учун тақирга ўйилган бўлиб, улар тўғри бурчакли тўртбурчак системасини ҳосил қилган.

Манзилгоҳ майдонидаги тақир текис ва рангги сарғиш бўлиб, устунлар учун ўйилган чуқурчаларни қум босган. Чайланинг тўрт бурчагидаги чуқурчалар эса катталиги билан бошқаларидан фарқ қиларди. Бу чуқурчаларга катта ва бақувват устунлар ўрнатилган бўлса керак. Чайланинг эшиги шарққа — кўлга қаратилган. Учоқлар чайла деб тахмин қилинган майдондан ташқарида жойлашган. Чунки енгил типдаги каркасли чайлада олов ёқиш хавфи эди.

Дарбоза қир-1 маконида топилган чайланинг майдони 81 м<sup>2</sup>. У устун ва қозиқлар ёрдамида тақирга ўрнаштирилган. Чайланинг томи қамиш билан ёпилган (2-расм).

Дарбоза қир чайласи майдонидан топилган тош қуроллар асосан сифатли чақмоқ тошлардан ясалган хилма-хил тош қирғичлар, ранда, пичоқ пластинкалари, бигиз, игна, тош болта ва бошқа қуроллар бўлиб, улар ёрдамида ибтидоий овчилар тери шилганлар, ёғоч текислаганлар ва улардан кесиш асбоби сифатида фойдаланганлар (2-шакл).


Айниқса Дарбоза қирликларнинг сопол идишлари ва уларга солинган нақшлар диққатга сазовордир. Яхшилаб пиширилган тухумсимон шаклдаги сопол идишларнинг сиртига чизма услуб билан ромб, эгри-бугри йўлли учбурчак ва бошқа геометрик шаклдаги нақшлар солинган. Худди шунга ўхшаш манзарани Дарбоза қир-II



2-расм. Дарбоза қир-І маконидан топилган кулбанинг реконструкцияси.

маконида ҳам учратиш мумкин. Аммо у Дарбоза қир-І дан фарқ қилиб, бу ерда маданий қатлам битта эди.

Дарбоза қирлилар маконидан топилган хилма-хил ашёвий материалларнинг анализи аҳолининг иқтисодий ҳаётида овчилик ва биринчи навбатда балиқ ови хўжалик юритишнинг асосий манбаи бўлганлигини исботлайди. Шу билан бирга, ибтидоий одамлар ҳаётида ёввойи қушлар ва кичик ҳайвонларни ов қилиш ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бунга асос қилиб макон майдонидан топилган ҳар хил ҳайвонлар ва қушларнинг кўпгина суяк қолдиқларини кўрсатиш мумкин. Гарчи аҳоли шароитга қа-



2-шакл.

раб тез-тез ўз маконларини ўзгартириб турсалар-да, аҳолининг асосий қисми кўл атрофидан деярли узоқлашмаган. Чунки бир неча юз гектардан ташкил топган ва поёнсиз тўқайзорга, қамишзорга айланиб кетган Қатта Туз кон кўли ибтидоий неолит даври одамлари учун ҳаёт манбаи эди. Шунинг учун яроқли ерлар ибтидоий овчи аждодларимиз томонидан бир неча асрлар давомида ўзлаштириб келинди.

Қалтаминорлар маданиятига тегишли бу ёдгорликлар тош қуролларининг ишланиш техникаси, типлари, сопол идишларнинг шакли ва нақши бўйича уч этапга бўлинади:

I. Қалтаминорлар маданиятининг илк этапи. Бу босқичнинг йил санаси милодий эрадан аввалги IV мингинчи йилликка тўғри келади. Бу даврда Амударё ва Зарафшон ҳавзаларининг айрим жойларида қалтаминорлар маданияти шаклланади.

II. Қалтаминорлар маданиятининг ривожланган этапи. Бу даврнинг йил санаси милодий эрадан аввалги III мингинчи йилликнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу даврда қалтаминорлар уруғ жамоасининг Орол денгизи соҳиллари, Аму ва Зарафшон дарёларининг қуйи оқимидаги барча районларга кенг тарқалганлигини кўрамыз.

III. Қалтаминорлар маданиятининг сўнгги этапи милодий эрадан аввалги III мингинчи йилликнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу даврда ибтидий овчилик хўжалиги замида аста-секин чорвачилик хўжалиги туғила бошлади. Аҳоли эндиликда биргина кўл бўйларидагина истиқомат қилмай, балки Амударё ва Зарафшоннинг ирмоқлари ёқалаб яшай бошладилар. Бу кейинчалик зах ва лиман жойларда ибтидий деҳқончилик хўжалигининг вужудга келишига замин яратди.

### Қуйи Зарафшонда бронза асри

Ибтидий давр тарихининг янги тош давридан кейинги этапи энеолит ёки мис-тош даври деб юритилди. Унғача ибтидий одамлар бир неча юз ва минг йиллар давомида меҳнат қуролларини фақат тошдан ясаб келардилар. Ниҳоят милоддан аввалги IV мингинчи йилликнинг бошларига келиб юқори цивилизацияли районларда меҳнат қуроллари ва зеб-зийнат буюмларини ясада мис кашф этилди. Аммо мисдан фақат турли зеб-зийнат безаклари, баъзи бир нозик меҳнат қуроллари ясалар эди. Меҳнат қуролларининг асосий қисми ҳали ҳам тошдан ишланар эди. Шунинг учун ҳам бу давр мис-тош даври деб ном олган.

Ибтидий одамлар кишилик тарихининг энеолит босқичига ўтгач, ишлаб чиқариш тараққиётининг янги даври бошланди. Ибтидий овчилик хўжалигига раҳна

солинди, овчилар жамоаси замонида янги хўжалик турлари — деҳқончилик ва чорвачилик келиб чиқди. Бу воқеликлар энг қадимий деҳқончилик районларида ҳатто неолит даврида ҳам содир бўлган эди, аммо ана шу деҳқончилик районлари зонасининг шимолий чегараларида эса бу воқеликлар энеолит ва илк жез давридан бошланди. Қуйи Зарафшон районларида ўрганилган энеолит даври ёдгорликлари бунинг далили бўла олади.

Дарҳақиқат, 1960—1964 йилларда ўтказилган археологик қидирув-тадқиқот ишлари вақтида Қуйи Зарафшоннинг Каптарни қуми, Катта Туз кон районларида тўрт жойдан энеолит даврига тегишли макон топиб ўрганилди. Аммо бу районларнинг неолит даври ёдгорликлари сингари уларда ҳам маданий қатлам бузилган ва маконга тегишли ашёвий далиллар қўзғалган тақир ва қум устида сочилиб ётар эди. Улар турли хил тош қуроллари — қумтошдан ясалган ёрғучоқ, чақмоқтошдан ишланган пайконлар, ўроқ ва пичоқ қадамалари, сопол парчалари ва мисдан ишланган қурол синиқлари эди.

Маконлардан топилган сопол идишлар ва тош қуроллар ишланиш техникаси, шакли, типи, нақши жиҳатидан бир томондан, сўнгги калтаминорлар маданияти материалларига ўхшаб кетса, иккинчи томондан, шу районда топиб ўрганилган бронза даври ёдгорликлари — Замонбобо маданияти материалларини эслатади.

Кейинчалик ибтидоий жамоа ишлаб чиқариш кучларининг аста-секин ривожланиши натижасида меҳнат қуроллари такомиллашиб борди. Мўрт ва юмшоқлиги туфайли кескир ва мустаҳкам қуроллар тайёрлаш учун яроқсиз бўлиб қолган мис ўрнини бронза<sup>4</sup> эгаллади. Шундай қилиб, ибтидоий жамоа тузумининг энеолитдан кейинги этапи — бронза даври бошланди.

Бронзанинг кашф этилиши билан меҳнат қуролларининг хиллари ҳам кўпайди, ҳарбий қуролларнинг тури ва жанговарлиги ортди. Бронзадан ясалган рўзғор буюмлари пайдо бўлди. Аммо меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш учун бронза нодир ва камчил металл бўлиб қолаверди. Баъзи бир меҳнат қуролларини тайёрлаш учун аввалгидек тош ва ёғочдан фойдаланаверилди. Бронзадан асосан турли безаклар, ҳарбий қурол-аслаҳалар,

<sup>4</sup> Бронза — мисни қалайга қориштириш натижасида ҳосил бўлган металл.

болта ва пичоқлар, кейинроқ ўроқлар қилинар эди. Шундай бўлса-да, бронза металлургияси хонаки ҳунармандчилик ўрнига махсус темирчилик, заргарлик устахоналарини вужудга келтирди. Ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви билан областлараро айирбошлаш кучайди. Маданий областлар чегара районларида натурал товар айирбошлаш бозорлари ташкил топди. Маданий областларни иқтисодий жиҳатдан боғлаб турувчи табиий алоқа йўллари пайдо бўлди. Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Мурғоб ва уларнинг тармоқлари бронза даври савдогарларининг бошқа областлар билан боғлаб турувчи иқтисодий алоқа сув йўллари эди. Бронза давридаёқ Бадахшон лазуритининг Ўрта Осиё областларига тарқалганлигини кўрамиз.

Бронза даврида айирбошлашнинг ўсиши билан сув орқали бўладиган алоқа йўллари яхшиланди, човли ва елканли кемалар кашф этилиб, океан доирасига чиқиш имконияти туғилди. Қуруқликда эса транспорт сифатида ҳайвонлар (ҳўкиз, от, эшак ва туя) кучидан фойдаланиш бошланди. Ҳайвонлар қўшилган гилдиракли аравалар вужудга келди.

Қуйи Зарафшон районлари бронза даврида камсув бўлиб, бу районлар кўпроқ чорвачилик учун табиий-географик қулайликларга эга эди. Деҳқончилик эса фақат дарё этакларида махсус суғоришни талаб этмайдиган, дарё ўзанлари вақти-вақти билан ҳосил этадиган захкаш, ботқоқ жойларда, лиманларда<sup>5</sup> олиб борилди.

Лиман деҳқончилиги учун Зарафшон этаклари, унинг дельта тармоқлари қулай бўлган ва бронза даврининг ўрталарига келиб бу ерда деҳқончилик хўжаликнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб қолган. Лиман деҳқончилиги хўжалиги билан шуғулланувчи Қуйи Зарафшоннинг бронза даври қабилалари адабиётларида Замонбобо маданияти номини олди.

Замонбобо маданияти ёдгорликлари Замонбобо номи билан аталган бир қабристон ва макондан иборат бўлиб, иккаласи ҳам шу ном билан юритилган кўл яқинига жойлашган.

Замонбобо қабристонини юқорида эслатиб ўтганимиздек, 1950 йилда Я. Ғ. Фуломов топган ва унинг раҳбарли-

---

<sup>5</sup> Лиман — дарёларнинг тошқин сувлари натижасида ирмоқлари бўйлаб ҳосил бўладиган пастқам, зах ерлар.

гидаги Мохандарё археологик отряди томонидан 1950, 1951, 1953, 1961, 1964 йилларда ўрганилган.

Замонбобо қабристонида ўтказилган қазилмалар вақтида 45 дан ортиқ қадимги мазор қолдиқлари ўрганилди. Урганилган қабрлар лаҳат формасида бўлиб, ске-



3-шакл.

летлар ўнг ва чап ёни билан худди она қорнида ётган чақалоқ сингари гужанак бўлиб ётар эди.


Ибтидоий жамоа аъзолари кишиларнинг ўлимига ишонмаганлар. Мурда қаттиқ уйқуга кетди, энди у «нариги дунёда» яшамоғи керак деб билганлар.

Шунинг учун «нариги дунёга» кузатилаётган ҳар бир киши алоҳида тайёрланган идишларда овқатлар билан қўшиб кўмилган. Археологик қазилмалар вақтида эркаклар мазоридан кўпроқ чақмоқ тошдан ишланган камалакнинг ўқ учлари, пичоқ, сопол идишлар чиқса, аёллар мазоридан сопол идишлардан ташқари қимматбаҳо тошлардан ясалган турли шаклдаги мунчоқлар, косметика буюмлари, сурма, мис ойна ва бошқалар топилди (3-шакл). Замонбобо қабристони материаллари

ичида тошдан қилинган кели дасталари, аёл ҳайкалчаси, олтин мунчоқ ва бошқалар ҳам бор (4-шакл).

Замонбобо қабристонни яқинидан бир неча йиллар ўтгач, бу маданиятга тегишли макон топилди. Замонбобо кўли ва унга туташ жойлар тез-тез кўздан кечирилди, гоҳо эса қабристон майдонидаги бузилган мазорлардан чиққан сопол синиқлари ва тош пайконлари териб кетилар эди.

Шу сатрларнинг автори 1961 йил 1 октябрда дам олиш кунини Замонбобо кўли атрофида ўтказиш мақсадида Дарбоза қирдан кўлга келади ва ундан 500 метрлар чамаси шарқда Гурдуш дарёси ирмоғининг ўнг со-




4-шакл.

ҳилида фавқулодда қадимий маконга дуч келади. Бу жой қир остидаги кенг майдон бўлиб, уни 4 метрлар чамаси қалинликдаги кўчма қум босиб қолган эди. Майдоннинг соҳилга яқин бир қисмида кўчма қум учиб, тақир юзаси очилиб қолибди. Очилган тақир юзасида юмрон қозик қазиб чиқарган тупроқ уюми орасидан битта сопол парчаси ва оловга тушиб чиққан тош пичоқ топилди. Бу узоқ йиллар давомида топилмай юрган Замонбобо маконидан белги эди. Шундан сўнг дарҳол маконда археологик қазиш ишлари бошланиб кетди. 1961—1964 йилларда ўтказилган археологик қазишмалар вақтида Замонбобо маконидан тақирни бир метргача ўйиб иланган, катталиги 170 м<sup>2</sup> бўлган ертўла типидagi бир

кулба харобаси (3-расм), иккита чайла қолдиқлари, кул-лолчилик хумдони харобаси очилди. Улар қалин тупроқ ва кўчма қум остида қолиб кетган.

Маконнинг шарқи-жанубий томонидан Гурдуш дарё-часи ўтган бўлиб, тошқин вақтларида манзилгоҳни сув босмасин учун у томон дамба типигаги девор билан ўраб олинган. Макон майдонидан бузилган ўчоқ ўринлари, кўплаб уй-рўзғор ва хўжалик асбобларининг синиқлари, қорамол, қўй, эчки каби уй ҳайвонлари ва бошқа ёввойи



3-расм. Замонбобо кулбасининг реконструкцияси.

ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари, қорайиб кетган буғдой ва арпа донлари, чириб кетган сомон қолдиқлари, тошдан ясалган кўплаб ёрғучоқ синиқлари, чақмоқтошдан ишланган қистирма ўроқ парчалари, қимматбаҳо тошлардан ясалган ҳар хил мунчоқлар ва бошқалар топилди. Бу топилмалар Замонбобо макони аҳолиси деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланганликларидан дарак беради. Замонбобо макони милоддан аввалги 2 мингинчи йилликнинг биринчи ярмида яшаб ўтган бир уруғ жамоасининг йирик патриархал оиласи

қароргоҳи бўлган. Замонбобо макони ва қабристонидан топилган баъзи бир буюмлар ва уларнинг ишланиш техникаси Замонбобо жамоасининг атроф қабилалари билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади. Масалан, безаклар ичида Бадахшон лазуритидан ишланган мунчоқлар бор. Сопол идишлар ичида эса Жанубий Туркманистонда ишланган идишлар учрайди. Замонбобо қабилалари Ўрта Осиёнинг чўлли зона қабилалари ичида биринчи бўлиб сопол ишлаб чиқаришда кулолчилик чархини қўладилар. Улар ўз навбатида Волга бўйи ва Жанубий Сибирь ибтидоий жомоалари билан иқтисодий ва маданий алоқа қилдилар.

Замонбобо макони ва қабристонидан топилган ашёвий далиллар бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам бу иккала ёдгорлик бир уруғ жамоасининг моддий ва маданий мероси ҳисобланади. Ўзбек халқининг узоқ ўтмиш тарихидан дарак берувчи бу маданий мерос биргина совет тарихшунослигида эмас, балки жаҳон тарих фанида ҳам Замонбобо маданияти номи билан ҳақли ўрин олди.

Замонбобо маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган воқеликлар милоддан аввалги II мингинчи йилликнинг биринчи ярмида содир бўлди. Бироқ Қуйи Зарафшонда ўтказилган археологик тадқиқот ишларининг гувоҳлик беришига қараганда, милодий эрадан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Замонбобо маданиятига доир бўлган ёдгорликлар негандир учрамади. Аксинча, биргина Қуйи Зарафшондагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг деярли ҳамма районларида янги этник группаларнинг пайдо бўлиши таъкидланади.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг чўлли ва дашт районларига қадимги Хоразм орқали шимолӣ ғарбдан чорвачи қабилалар келиб ўрнашади. У келгинди қабилаларнинг этнографик қиёфаси ва хўжалиги Жанубий Сибирь ва Қозоғистоннинг бепоён чўлларида яшаган андронов маданиятига<sup>6</sup>

---

<sup>6</sup> Андронов маданияти — милоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Жанубий Сибирь ва Қозоғистоннинг чўл ва дашт районларига кенг ёйилган чорвадор қабилаларга доир ёдгорлик. Дастлаб Сибирь темир йўлининг Ачинский станцияси яқинидаги Андронов қишлоғидан топиб ўрганилгани учун қабилаларга шартли шу ном берилган.

ўхшаб кетади. У қабилалар Ўрта Осиёнинг барча чўл ва даштларига, тоғ ён бағриларига ёйилиб кетган.


Куйи Зарафшон районларида ана шу қабилаларга тегишли дастлабки ёдгорлик 1951 йилда Я. Ғ. Фуломов томонидан Кичик Туз кон кўли яқинида топилиб «Уч айлана макон» деб аталди. Маконда ўтказилган археологик қазишмалар ибтидоий чорвадорлар жамоасининг хўжалиги, турмуш ва идеологияси ҳақида қимматли материаллар берди. Маконда ярим ертўла типдаги кулба қолдиғи, унинг ичидаги учта ўчоғи ўрганилди. Ўчоқлар овал шаклда ерга ўйиб ишланган бўлиб, уларнинг ичида икки қаватли кул қатлами топилди. Макон майдонидан мингдан ортиқ нақшланган сопол парчалари, уй ҳайвонларининг суяклари, мрамар тошдан ишланган идиш гардиши, 15 та тош пайкон, бронза мунчоқлар, 6 та жездан ишланган пичоқ бўлаклари, ўроқ ва пичоқ қадамалари ва бошқалар ўрганилди.

1954 йили шу маданиятга доир қабристон Гўжайли дарёси соҳилидан топилди. 1960—1964 йилларда Замонбобо, Кичик Туз кон ва Мохандарё соҳили бўйлаб, маданий қатлами бузилиб, материаллари тақир ва қум юзасига чиқиб қолган яна 26 та макон ўрганилди. Маданий қатлами бузилган маконлар Бухоронинг Пайкент районида, Қашқадарёнинг аллақачонлар қуриб қолган қадимий ўзани бўйлаб ҳам топилди.

Гўжайли қабристонидан бешта мазор очилди. Ҳар бир мазорга икки-учтадан сирти жимжимадор қилиб нақшланган сопол идишлар қўйилган (5-шакл.). Айрим жасадлар қўлига жездан ясалган билакузук тақилган. Скелетларнинг кўкрак қафаси атрофида жез ва тош мунчоқлар сочилиб ётибди. Мазорлардан чиққан ашёвий далилларини маконлардан топилган материаллар билан солиштирилганда улар бир этник гурппадаги қабилаларга тегишли эканлиги аниқланди. Бу ёдгорликлар ярим ертўлаларда яшаб, чорвачилик билан шуғулланувчи андронов маданияти қабилаларидан қолган эди.

Бу даврда бронзадан ҳар хил қуроллар ишлаб чиқариш ибтидоий жамоа хўжалигининг ҳамма соҳасига кириб боради. Натижада ишлаб чиқариш кучлари ибтидоий хўжалик заминидан сезиларли даражада ривожлана бошлайди. Ф. Энгельс таъбири билан айтганда, «чорвачилик билан шуғулланувчи қабилалар бошқа варварлар жумласидан ажралиб чиқдилар: бу биринчи йирик иж-

тимой меҳнат тақсимоти эди»<sup>7</sup>. Эндиликда ибтидоий хонаки чорвачилик ўрнига яйловларда боқиладиган чорвачилик келиб чиқди. Мотига деҳқончилиги ўрнини ерни ҳайдаб экиладиган деҳқончилик эгаллади. Деҳқончилик қуроли—ўроқ бронзадан қилина бошлади, ер ҳайдашда омоч ишлатилди. Омоч ва ўроқнинг қишлоқ хўжалигида қўлланилиши деҳқончиликнинг интенсив ривожланиши-ни таъминлади.



5-шакл.

Деҳқончилик ва чорвачиликни бошқариш мутлақо эркаклар қўлига ўтди. Эркакларнинг жамоада, оилада мавқеи ортди. Ортиқча моддий бойликларнинг тақсим-чиси эркаклар бўлиб қолди. Аёллар эса эрларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб борди. Оилада никоҳнинг моногамия шакли ўрнатилди.

Уруғ жамоаси оқсоқоллар анжуманидан иборат ҳарбий бошлиқлар жамоасининг юқори табақасига айланиб бордилар. Эътиборли кишиларга эътиқод қўйиш, уларнинг шахсига сиғиниш, табиат кучларидан инъомлар кутиш одатлари ривожланди ва ниҳоят буларнинг ҳаммаси турли-туман мураккаб диний урф-одатларнинг ва қадам-жоларнинг келиб чиқишига олиб келди.

Ибтидоий жамоа заминида бу тарихий тараққиётнинг маҳсули сифатида уруғ жамоасининг қуйи табақаси — эксплуатация қилинувчилар синфи расмийлашиб борди. Шундай қилиб, бронза даврининг охирларига келганда, уруғчилик жамоаси харобаларида синфий жамиятнинг вужудга келишига замин ҳозирланди. Бронза асри ўрнини эгаллаган навбатдаги археологик давр — темир асрига келиб, жамиятнинг аниқ синфларга бўлиниши ва ҳукмрон доираларнинг манфаатини эзилувчилардан ҳимоя қилиш қуроли сифатида эксплуатация қилиш машинаси — давлат келиб чиқди.

<sup>7</sup> Ф. Энгельс, Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Тошкент, 1956, 182-бет.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	3
Учтут устахонасида неолит шахтаси . . . . .	4
Зангори осмон остидаги очиқ музей . . . . .	7
Қуйи Зарафшондаги ибтидоий овчилар макони . . . . .	9
Қуйи Зарафшонда бронза асри . . . . .	15

*На узбекском языке*

**Ахмадали Аснаров**

## ОЧЕРКИ ИЗ ИСТОРИИ ДРЕВНЕЙ БУХАРЫ

*ЎзССР ФА илмий-оммабон китоблар таҳрир  
ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир *М. Алиева*  
Рассом *П. Циганов*  
Бадний муҳаррир *В. Тий*  
Техмуҳаррир *Р. Рузиева*  
Корректор *М. Содиқова*

P08382. Теринга берилди 29/V-73 й. Боснига рухсат этилди  
2/VII-73й. Формати 84×108<sup>1/2</sup><sub>мм</sub>. Қоғоз л. 0,375 Босма л. 1,26  
Ҳисоб-нашриёт. л. 1,1. Нашриёт № 533. Тираж 5000..  
Баҳоси 5 т. Заказ 133.

ЎзССР „ФАН“ нашриётининг босмахонаси, Тошкент,  
Черданцев кўчаси, 21.  
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.